



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMINING QARORI

Namangan sh. Istiqlol ko'chasi 57.

2021 - yil 11 - oktabr

300-6-0-Q/21

Namangan viloyati hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Геология-қидирув ишларини янада рағбатлантириш ва ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 6 октябрдаги ПФ–6319-сон Фармони ижроси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Геология-қидирув ишларини янада рағбатлантириш ва ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 6 октябрдаги ПФ–6319-сон Фармонини вилоятда ижросини таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Геология-қидирув ишларини янада рағбатлантириш ва ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 6 октябрдаги ПФ–6319-сон Фармони раҳбарлик ва амалда ижросини таъминлаш учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони билан:

белгиланишича, 2022 йил 1 январдан бошлаб муҳим тижорат салоҳиятига эга бўлган углеводородлар, қимматбаҳо, рангли, нодир ва радиоактив металллар ва бошқа турдаги рудали фойдали қазилмалар объектлари бўйича геологик ўрганиш ёки аввал ўрганилган ер қаъри

участкасида қазиш ишлари учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини танлов савдоларига чиқаришнинг махсус тартиби ўрнатилганлиги, бунда:

сотув суммаси ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқи учун бонус суммаси сифатида қаралиши ва танлов савдолари ташкилотчиларининг харажатларини чегирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказилиши;

танлов савдолари ташкилотчиси ёки танлов савдолари иштирокчилари қонунчиликда белгиланган тартибда фойдали қазилмаларни қазиб олишда (ажратиб олишда) айрим солиқ турлари бўйича солиқ ставкаларини оширилган миқдорда таклиф қилиш ҳуқуқига эгаллиги;

Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитасининг 2022 йил 1 январдан бошлаб фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳуқуқи учун ундириладиган тижоратбоп топилма бонусини ҳамда фойдали қазилмаларни аниқлаш ва разведка қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун ундириладиган имзоли бонусни бекор қилиш ҳақидаги таклифига розилик берилганлиги;

белгиланишича, 2022 йил 1 январдан бошлаб:

а) геология-қидирув ва (ёки) изланиш ишлари ўтказиш учун ажратилган ер участкалари юридик шахслардан олинадиган ер солиғи солиш объекти ҳисобланмаслиги;

б) ажратилган майдон ва фойдали қазилма турларидан келиб чиқиб, қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган миқдорда ҳисоблаб чиқиладиган, геологик ўрганишлар учун ер қаъридан фойдаланганлик учун ҳар йиллик лицензия тўлови жорий қилиниши;

в) геологик ўрганишлар учун ер қаъридан фойдаланганлик учун ҳар йиллик лицензия тўлови қуйидагиларга йўналтирилиши:

70 фоизи - Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига;

15 фоизи - вилоят маҳаллий бюджетига;

15 фоизи - туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига;

Геология-қидирув ишларини амалга оширувчи юридик шахслар,

шунингдек, улар томонидан жалб этиладиган пудрат ва ёрдамчи пудрат ташкилотлари қуйидагилардан озод этилганлиги:

конларни қидириш, аниқлаш ва ишлатиш даврида геологик қидирувни амалга ошириш учун зарур бўлган махсус техникаларни вақтинча олиб киришда даврий божхона тўловларидан;

конларни қидириш, аниқлаш ва ишлатиш бўйича ишларни бажариш учун зарур бўлган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган асбоб-ускуналар, моддий-техника ресурслари ва махсус техникаларни импорт қилишда божхона божидан;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида углеводород конларини аниқлаш ва қидиришни амалга оширувчи маҳаллий корхоналарга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 апрелдаги “Нефть ва газ конларини разведка қилиш ҳамда уларни қазиб чиқаришга бевосита хорижий сармояларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–2598-сон Фармонининг4-банди учинчи хатбошисидан назарда тутилган имтиёзлар татбиқ қилинганлиги;

белгиланишича, геология-қидирув ишларини амалга оширувчи юридик шахсларга қўшилган қиймат солиғи суммасини қоплаб бериш Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексидан белгиланган тартибда, бироқ ариза берилган кундан бошлаб 30 кундан кечиктирмай амалга оширилиши;

белгиланишича, 2021 йил 1 октябрдан бошлаб:

табiiй газни экспортга реализация қилишда акциз солиғи ставкаси ноль фоиз миқдорида белгиланиши;

юридик шахслар табiiй газни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишда божхона божидан озод қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси (М.Абдуллаев), Молия бош бошқармаси (З.Бахриддинов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Геология-қидирув ишларини янада рағбатлантириш ва ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 6 октябрдаги ПФ–6319-сон Фармони талабларидан келиб чиқиб иш ташкил

ЭТСИН.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Т.Юсупов зиммасига юклансин.

Viloyat hokimi



Sh.Abdurazakov